



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Хайрулло Туйчиев

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети
таянч докторанти

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ПЕДАГОГИК МОСЛАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Аннотация

Мақолада талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишининг концептуал асослари, талабаларнинг олий таълим муассасасига самарали мослашишининг ижтимоий, психологик ва педагогик асослари, биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига мослашишига тизимли ёндашув масалалари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув жараёнига мослашишига оид илмий-тадқиқот ва услубий ишлар таҳлили ҳамда олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларининг ҳолати, муаммолари ҳамда ҳорижий тажрибалар ҳақида маълумотлар ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: мослашиш, ижтимоий, педагогик, психологик, интеллект, когнитив, психоэмоционал, хулқ-атвор.

Ўқитиш жараёнида ёш ўқитувчи муҳандисларнинг ўзгарувчан шароитларда мослашувчан бўлишига ёрдам берадиган рефлексив кўникмаларни ривожлантириш: уларнинг профессионал режаларини амалга ошириш, вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабалар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг иш натижаларини кузатиш ва зарур ўзгаришларни амалга ошириш, мослашиш даврида бўлажак муҳандисларда касбий фаолият муаммоларини ҳал этиш жараёнида адаптив кўникмаларни ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш бўйича таклиф ва мулоҳазалар келтирилган.

Мослашиш бу олий таълим шароитидаги талабаларнинг турли вазиятларга мослашишларига имкон берувчи усуллар ёки одатий хулқ-атвор шакллари ҳисобланиб, талабаларнинг мулоқотидаги кескинлик даражасини камайтириш ва



уларнинг адаптив қобилиятини ошириш, дарс жараёнидаги ижобий таъсир доираларини рағбатлантириш тушунилади.

Мослашиш жараёнининг асосий қийинчилиги шундаки, у ўзининг барча жараёнларда ажралмас шахсни ўз ичига олади ва ижтимоий мослашув жараёнини қуйидаги хусусиятларга эга:

- талабаларнинг индивидуал имкониятлари, эҳтиёжларига кўра, хилма-хил когнитив, психоэмоционал ва ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга қаратилган ижтимоий ташкилий-педагогик жараёндир [38];
- талабаларнинг олий таълим муассасасига кўникиши, меъёри, қадрият ҳамда педагогик ўзига хос кўникмалар, ижтимоий муносабатлар ва уларнинг тизимига кира олишни таъминловчи касбий фаолиятга доир кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёни;
- янгича фаолият ва мулоқот шароитлари, олий таълим муассасаси муҳити билан интеграциялашув, унинг қадриятлари, хулқ-атвори меъёрларини қабул қилиш, мулоқот кўникмалари ва касбий малакаларни шакллантириш жараёни.

Талабаларнинг техника олий таълим муассасасига ташкилий-педагогик мослашиши билан бир қаторда уларнинг ижтимоий дезадаптация (ижтимоий мослаша олмаслик) ҳам кузатилиши мумкин. Яъни фанларни ўз вақтида ўзлаштира олмаслик, ўз хулқ – атворини бошқара олмаслик, олий таълим муассасасидаги ўқитиш суръати тезлигини қабул қила олмаслик (ўзини эркин тута олмаслик ва юқори даражада кўркув хисси) шунингдек, курсдошлар ва ўқитувчилар билан чиқиша олмаслиги, жамоага қўшила олмаслиги каби мослаша олмасликнинг кўринишлари ҳам кузатилиши мумкин. Ушбу дезадаптация сабаблари турлича бўлишини қуйидагича изоҳлашга ҳаракат қилдик.

- фанларни ўз вақтида ўзлаштира олмаслик – ўқув юкламаларининг сезиларли ортиши ва уларни мустақил ўзлаштириш зарурлиги;
- ўз хулқ – атворини бошқара олмаслик – оилада ва олий таълимнинг биринчи босқичларида комплекс таъсирларнинг жадал тарзда амалга оширилмаганлиги;
- олий таълим муассасасидаги ўқитиш суръати тезлигини қабул қила олмаслик - оилада ва олий таълимнинг биринчи босқичларида талабаларнинг қаттиқ назорат остига олинганлиги, индивидуал ўзига хослигини инобатга олинмаганлиги;
- курсдошлар ва ўқитувчилар билан чиқиша олмаслиги – курсдошлар ва ўқитувчилар билан мулоқотда қийинчиликка дуч келиши, коммуникатив кўникмаларининг яхши шаклланмаганлигида кузатилиши мумкин.

Талабаларда педагогик мослашишда ижодий-коммуникатив қобилиятни ривожлантириш жараёни бир мунча мураккаб жараён бўлиб, унда таълимнинг замонавий усуллари аҳамияти беқиёсдир. Талабанинг олий таълим муассасаси шароитига мослашуви улар ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олишини ҳисобга олиб, қуйидаги умумлаштирилган мезонларни ажратиш мумкин.

Мослашиш жараёни турли ўзаро боғлиқ шаклларда мавжуд. Кўпчилик тадқиқотчилар талабаларнинг олий таълим муассасасининг ўқув жараёнига мослашишининг уйидаги шакллари фарқлайдилар:

- 1) талабалар ва адаптив муҳит, яъни талабаларнинг адаптив эҳтиёжларини фаоллаштирувчи вазятларга мослашуви ;



2) ижтимоий мослашув, яъни биринчи босқич талабалари гуруҳларининг ўзаро бирлашуви жараёни ва шу гуруҳларнинг бутун талаба муҳити билан интеграциялашуви;

3) касбий-педагогик фаолиятга мослашувчан талаба шахсини ривожлантиришга йўналтирилган ташкилий-педагогик шарт-шароитларни яратилиши.

Талабаларда шаклланган мотив ва қайд этилган мақсадли йўналишлар мотивацион-мақсадли компонентни татбиқ этиш натижаси сифатида намоён бўлади. Тизимнинг мазмуний-ташкилий компоненти таълим жараёнидаги коммуникациянинг ўзига хослиги, шунингдек, ижодкорликни ривожлантириш метод ва усуллари ҳақидаги билимларни жамлаш ва тизимлаштириш масаласини ҳал қилишга йўналтирилган.

Техника олий таълим муассасаларида ўқитиш давом этиши учун таълим, ижтимоий-психологик ва касбий мослашув муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда ўрганилаётган барча муҳим муаммоларни қамраб олади. Биз ушбу муаммоларни талабаларнинг техника олий таълим муассасаларида касбий таълимга мослаш жараёнининг моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўришимиз мумкин. Демак, бир қатор тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб, биз томонимиздан ОТМ талабаларининг ўқув жараёнига мослашишининг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди.

Ўқув жараёнида касбий фаолиятга оид мослашувчанлик даражасини аниқлашда талабаларни умумтаълим фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда касбий (махсус) фанларни ҳам ўзлаштиришга қаратилган масалалар ўрганилиб, назарий ва амалий, инновацион, креатив, рационал ва иррационал, танқидий ва техник тафаккурни шаклланиш хусусиятлари ҳамда талабаларда адаптив механизмни ривожлантириш хусусиятларини касбий фаолиятга қизиқиш ва эҳтиёжи, касбий компетентлиги, касбий ҳуқ атвори, касбий рефлексия йўналтирилганликка асосланган ўқув жараёнида касбий фаолиятга оид мослашувчанлик даражаси бўйича тажриба-синов ишлари ёритиб берилган.

Мавзуга оид тадқиқотлар таҳлилидан маълум бўладики, қуйидагилар бўлажак муҳандиснинг олий ўқув юртига мослашишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади:

- педагогик-психологик ўзига хослик: олий таълим мазмуни ва ундаги таълимни ташкил этишнинг янги шарт-шароитлари;
- ижтимоий-психологик хусусиятлар, яъни ижтимоий муносабатларнинг янги турини ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар (касбни эгаллашга иштиёқнинг сустлиги, ўз кучига ишончнинг йўқлиги ёки жуда камлиги ва ҳ.к).

Таълим жараёнида талабаларни олий таълим муассасасига педагогик ҳамда дидактик мослашув жараёнини кузатиш давомида уларнинг уқув жараёнига, масалан, машғулотлардаги талабаларнинг фаоллиги, ўзлаштириладиган материалга нисбатан уларнинг қизиқишлари, берилган жавобларнинг тўғрилиги, тўлиқлиги, аниқлиги, англанилганлиги, шунингдек гуруҳдаги бошқа тенгдошлари билан урнатилган коммуникатив ва адаптив қобилиятлари урганилди. Тадқиқот давомида олинган натижалар аниқ белгиланган тартибда қайд этиб борилди.



Талабаларнинг ўқув жараёнига тайёрлигини қуйидаги компонентлар билан аниқлаш мумкин, улар ўқув-билиш компоненти, кадриятли-мотивацион компонент, ижтимоий-психологик мухитни янада такомиллаштириш орқали талабаларни ўқув жараёнига дидактик мослашишини таъминланишига эришиш мумкин.

Бу жараёнда қуйидаги кўрсаткичлар – ўқув бошқариш билимлар, ўқув-ахборот билимлар, интеллектуал билимлар, мустақил билиш фаолиятининг мавжудлиги, таълим олишга мотивациянинг ўз вақтида берилиши, рефлексив билимлар мажмуи, коммуникатив билимларнинг мавжудлиги ва уларнинг фаоллашуви каби кўрсаткичларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Билим олишдаги фаоллик ўз навбатида ижтимоий фаоллик, ўқув фаолиятидаги фаоллик, таълим ва тарбия жараёнидаги фаоллик ҳамда талабаларнинг ўқув жараёни ва ундан ташқаридаги фаоллиги ҳам уларнинг таълим жараёнига педагогик мослашишларини енгиллаштиришга олиб келади.

Юқоридигиларни инобатга олиб талабаларини ўқув жараёнига педагогик мослашишларига эришишда қуйидаги хулосаларни таклиф этмоқдамиз. Мослашиш олий таълим тизимини модернизациялаш шароитида талабаларнинг ўқув жараёнига мослашишининг учта турдаги психологик, ижтимоий ва педагогик ҳамда 3 компонентлари мажмуи орқали белгиланади: расмий, умумий ва дидактик. Мослашиш тушунчаси кенг маънодаги тушунча бўлиб, бу талабаларнинг фаол харакатларига туртки бўлувчи ва унинг самарали натижаси учун шарт-шароитларни яратиш демакдир ҳамда шахснинг низоларсиз янги мухитига интеграциялашиб кетишидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мустафаева Д. А. ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ КАК ФАКТОР КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ СПЕЦИАЛИСТА //НАУКА–ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКЕ. – 2017. – С. 127.
2. Тўйчиев Х. Э. ОЛИЙ ЎҚУВ МУССАСАЛАРИДА ТАРМОҚ ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ //Современное образование (Узбекистан). – 2020. – №. 7 (92). – С. 81-86.
3. Тўйчиев Х. Э. ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ (НА ПРИМЕРЕ В СФЕРЕ" ТЕХНОЛОГИЯ") //НАУКА И ИННОВАЦИИ-СОВРЕМЕННЫЕ КОНЦЕПЦИИ. – 2020. – С. 20-22.
4. Химматалиев Д. О., Файзуллаев Р. Х., Мустафаева Д. А. Профессионально-педагогическая компетентность учителя профессионального образования //Журнал научных и прикладных исследований. – 2016. – Т. 2. – №. 11. – С. 4-7.
5. Tursunaliyevna A. M., Karimovna N. Y. МАКТАВГАЧА ТАРБИYA МУАССАСАЛАРИДА МАДАНИY-GIGIYENIK МАЛАКАЛАРНИ ТАРБИYАЛАШ–BOLALAR ORGANIZMINING JISMONIY RIVOJLANISHIDA MUHIM VOSITA //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 98-103.
6. Нарметова Ю. К. ИНТЕГРИРОВАННЫЙ ПОДХОД КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР РЕШЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ КЛИНИЧЕСКИХ ПСИХОЛОГОВ //ХАБАРШЫСЫ. – С. 57.



7. Akhmedova M. et al. Categories of person in conflict and methods of conflict resolution in the occurrence of conflicts between medical personnel. – 2021.
8. Ismailova Z. et al. Competent model of Practice-oriented education of students of the construction profile //Journal of Critical Reviews. – 2020. – T. 7. – №. 4. – C. 437-441
9. Glovatskii O. et al. Achieving reliability and energy savings in operate of pumping stations //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – T. 264.
10. Khayrulloh T. Aspects of Psychological and Pedagogical Adaptation of Students to the Educational Process //European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630). – 2021. – T. 8. – C. 123-126.